

## Ота-онага оқ бўлиш жаннатга тўсиқдир



13:08 / 10.12.2024 1980

«عَبْرًا» مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ الصَّهْلِ لَلْأُسْرَاقِ لِقَاقِ النَّجْعِ نَبِيٍّ دُصَّ عَمَامُ أَيُّ بَأْنَعِ  
«رَدَّقَ بَبِّ دَكُمُ وَرَمَخُنْ مَدْمُو، نَانَمُو، قَاعِ: عَمَّيْ قَلْمُ وَيْ مَهْلِلْ لَلْأُرْطَنِي الْ

Абу Умома Судай ибн Ажлондан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўрт тоифага Аллоҳ қиёмат куни назар солмайди: оқ бўлганга, миннатчига, ароқхўрга ва қадарни ёлғон дейдиганга», дедилар».

Шарҳ: Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг назар солмаслиги банда учун энг катта жазо ва уқубатдир. Бу қиёмат куни банданинг ҳолига вой бўлади, деганидир.

Ушбу олий жазога тўрт тоифа одамлар мубтало бўлар экан. Уларнинг рўйхати бошида ота-онасига оқ бўлган бадбахт турар экан.



Унда бу ҳадиси шарифдаги гапни қандай тушуниш керак? Ушбу саволга жавоб излаб, китобларга мурожаат қиламиз. Кўп китобларда бу саволга жавоб йўқ.

Охири имом Таҳовийнинг «Мушкулул Осор» китобини қўлга оламиз. Бу китобда валади зино жаннатга кирмаслиги ҳақида келган ривоятларнинг жамланганини кўрамиз. Имом Таҳовий мазкур ривоятларни келтириб бўлганидан кейин улардаги валади зинонинг жаннатга кирмаслиги ҳақидаги маъно мушкул эканини баён қилади ва ўша мушкулни ечишга киришади.

У кишининг таҳлил қилишича, арабларда бир нарсага ўта берилган одамни ёки бирор ҳолатга тушиб, ундан чиқа олмаган, ана шу ҳолатда бардавом қолган одамни «ўшанинг боласи» дейиш одати бор.

Мисол учун оладиган бўлсак, закот олишга ҳақли тоифаларнинг саккизинчиси кўчада қолганлардир. Булар араб тилида «ибн сабил» – «кўча ўғли» дейилади. Улар ватандан фироқда – мусофирчиликда оғир иқтисодий ҳолатга тушиб қолган кишилар бўладилар. Исломда бу тоифа кишиларга ҳам яхшилик қилиш буюрилган. Ҳатто закотга ҳақдор саккиз тоифадан биттаси худди шу «кўча ўғил»ларидир.

Худди шу эътибордан, бу ҳадиси шарифдаги «валади зино»ни ҳам «зинога берилган фарзанд» деб тушуниш тўғри бўлади.

#### 4. Маҳрами билан зино қилган.

Бегоналар билан зино қилиш энг катта гуноҳлардан бири экани ҳаммага маълум. Шундай бўлганидан кейин, ўз маҳрами билан зино қилиш қанчалар оғир гуноҳ эканини ҳар ким ўзи билиб олаверса бўлади. Бу маъно Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларида ҳам қаттиқ таъкидланади:

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўз маҳрамига жинсий яқинлик қилса, уни қатл қилинглари», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги ҳукм ўз маҳрами билан зино қилганнинг бу дунёдаги жазосидир. Унинг охиратдаги жазоси жаннатга кирмаслиги,

дўзахга равона бўлишидир.

5. Ҳижратдан кейин аъробий бўлиб, қатл қилинган.

Ушбу жумланинг маъносини бошқача иборалар билан ифода қиладиган бўлсак, «Мўмин бўлиб, ҳижрат қилганидан кейин муртад бўлгани учун қатл қилинган одам жаннатга кирмайди», дейиш мумкин. Ўша пайтларда биров Исломдан чиқиб, муртад бўлса, «Фалончи аъробий бўлибди», дейишар экан. Ана шу гуноҳи кабирани қилган одам ҳам жаннатга кирмайдиганлар тоифасидан бўлади.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.